

Фаррошнинг қизи



13:35 / 30.10.2024 2670

«Лайлак» истилоҳининг ишлатилишини 16 асрнинг иккинчи ярмидан тақрибан 1650 йилгача бўлган дарвдаги Рим маҳкамасининг муқаддас инквизициясига тааллуқли деб билишади. Л. А. Муратори томонидан ўзининг «Италия солномаси» (1749) номли китобида ҳам ушбу қийноқ анжомига шу ном берилган. «Фаррошнинг қизи» деган ғалати номнинг келиб чиқиши ноаниқ, лекин бу ном шунга ўхшаш Лондон Тауэридаги мосламага нисбатан берилган. Номи қаердан келиб чиққан бўлмасин, бу анжом Инквизиция давриларида қўлланилган, зўрлаб азоблаш тизимларининг хилма-хиллигининг ажойиб намунасидир.

Қурбоннинг ҳолати пухталиқ билан ўйлаб кўрилган. Ушбу ҳолат, атиги бир неча дақиқада қорин ва анус атрофидаги мушакларнинг ўта қаттиқ кучланишига олиб келарди. Кейин кўкрак, бўйин, қўл ва оёқлар атрофига

тарқалиб, айниқса, толиқиш бошланган жойларда кучаярди. Бир қанча вақт ўтгандан кейин «Лайлак»га боғланган, оддий азобни бошдан кечираётган одам тўлақонли ақлдан озиш ҳолатига келарди. Кўпинча, бу даҳшатли ҳолатда турган қурбонни қўшимча тариқасида қиздирилган темир ва яна бошқа усуллар билан қийнашар эди. Қурбоннинг баданига ботган темир кишанлар сабабли қорасонга, айрим ҳолатларда эса ўлимга ҳам олиб келар эди.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.